

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

НУРАЛИЕВА МУКАДДАС МАМУРОВНА

**ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавлениеавтореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Нуралиева Муқаддас Мамуровна

Электрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш3

Нуралиева Муқаддас Мамуровна

Повышение эффективности финансовых услуг в электронной коммерции...27

Nuralieva Mukaddas Mamurovna

Improving the efficiency of financial services in e-commerce.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

НУРАЛИЕВА МУКАДДАС МАМУРОВНА

**ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

– Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1363 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кузиева Наргиза Рамазановна иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Карлибаева Рая Хаджабаевна иктисодиёт фанлари доктори, профессор Уразалиев Камолiddин Тажиккулович иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
Етакчи ташкилот:	Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳар филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» 08 соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темурақчаси, 60 А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (206 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темурақчаси, 60 А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 08 кuni тарқатилди.
(2021 йил «13» 08 даги 32- рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Тешабасев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Каландарова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.Н. Қўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда электрон тижорат замонавий иқтисодийнинг асосий таркибий бўғини ҳисобланиб, унинг амалий аҳамияти ортиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш кўплаб жараёнларнинг тезлиги оширди ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига сезиларли таъсир кўрсатди. Электрон тижорат нафақат тармоқлар ёрдамида амалга оширилувчи молиявий хизматлар, балки молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ доимий такомиллашиб турувчи глобал бизнес жараёнлар занжиридир. Бугунги кунда электрон тижорат бутун дунёда ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Мамлакатларнинг рақобатбардошлиги нафақат уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва илмий-техник ишланмалари билан, балки электрон тижорат инфратузилмаси ривожланганлиги билан ҳам белгиланмоқда. «2019 йилда жаҳоннинг электрон тижорат бозори ҳажми 17,9 фоизга ошди ва 3,46 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Электрон тижорат бозорида етакчи давлатлар Хитой ва АҚШ ҳисобланади, уларнинг улуши бозорнинг тахминан 40 фоизини ташкил этади»¹. Шу билан бирга мутахассисларнинг прогнозларига кўра, «2040 йилга қадар харидларнинг 95 фоизидан ортиғи электрон тижорат бозори орқали амалга оширилиши кутилмоқда»². Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси электрон тижоратнинг ўрни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Жаҳон амалиётида электрон тижоратни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш муаммоларининг илмий ечимини топиш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотларда бизнес юритишнинг электрон шакллари ривожлантириш, рақамли иқтисодийга ўтиш, электрон тижоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ахборот ва тўлов тизимларининг хавфсизлиги, электрон тижоратнинг самарадорлик кўрсаткичлари, электрон тижоратни бошқариш механизмларига бағишланган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ электрон тижоратда молиявий хизматлардан кенг фойдаланиш ва молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. COVID-19 пандемияси ва турли давлатларда у билан боғлиқ «ўзини яқкалаш» тартиблари ўрнатилиши рақамли технологиялар, шу жумладан электрон тижоратни янада ривожлантириш ва бу соҳада тадқиқотларни фаоллаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодийни ривожлантириш шароитида, иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарур ва шарт. Бу

¹<https://www.shopolog.ru/metodichka/analytics/global-noe-razvitie-e-commerce-ssha-kitay-rossiya/>

²<https://ecommerceguide.com/ecommerce-statistics/>

юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси беш йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади»³. Бугунги кунда миллий иқтисодиёт олдида турган муаммоларни ҳал этишда электрон тижорат бозорининг салоҳияти, унинг молия хизматларини ривожлантиришдаги роли, шунингдек, амал қилиши билан боғлиқ хавф-хатарлар Ўзбекистонда электрон тижорат бозорини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилиши, шунингдек, муаммонинг амалий ва бошқарув жиҳатларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2020 йил 5 ноябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, электрон тижорат ва электрон тижоратда молиявий муносабатлар мажмуига тегишли меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация доирасида амалга оширилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида электрон тижоратда молиявий хизматларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти, электрон тижоратнинг назарий, амалий ва услубий жиҳатлари бир қатор хорижий олимлар, жумладан Р.Андерсон, С.Беккер, С.Сеппи, Д.Эштер, Д.Шаффей, Д.Куджлан, Дж.Карлшой, Дж.Шнейдер, С.Травел⁴, МДХ иқтисодчилари П.В.Антипина,

³Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

⁴Anderson R. E-Commerce Business: 3 Books in 1: The Ultimate Guide to Make Money Online From Home and Reach Financial Freedom - Passive Income Ideas, Amazon FBA, 2020. — 277 p.; Becker S. Ann. Electronic Commerce: Concepts, Methodologies, Tools and Applications (4 Volumes Set) Information Science Reference, 2007. — 2383 p.; Ceppi Sofia, David Esther, Hajaj Chen, Robu Valentin, Vetsikas Ioannis A. (Eds.) Agent-Mediated Electronic Commerce. Designing Trading Strategies and Mechanisms for Electronic Markets Springer, 2017. — 166 p.; Chaffey D. E-business and E-commerce Management: Strategy, Implementation, and Practice Prentice Hall – 2011, 798 pages; Coughlan Damien. E-Commerce Activated: The Ultimate Playbook To Building A Successful E-Commerce Business EPUB IO Press, 2021. — 301 p.; Karlshøj J., Scherer R. (Eds.). eWork and

Е.В.Бесчастная, А.Верес, П.Трубецков, В.М.Давыдов, А.В.Медведева, А.С.Поеров, Д.В.Марцулевич, И.Е.Шайдаков⁵, маҳаллий иқтисодчи олимлар Б.С.Ахраров, А.Ш.Бекмурадов, С.Гулямов, шунингдек Н.С.Касимова, А.Т.Кенжабаев⁶нинг тадқиқотларида электрон тижорат ва унинг айрим хусусиятлари ўрганилган.

Юқорида келтирилган иқтисодчи-олимларнинг ишларида тадқиқотлар электрон тижорат инфратузилмаси, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мамлакат миқёсида ривожланиши таҳлили билан чегараланган бўлиб, электрон тижоратнинг таркибий қисмларига, хусусан, электрон тижоратда молиявий хизматлар кўрсатиш ва ривожлантириш, электрон тижоратдаги ўзгаришларнинг давлатдаги умумий иқтисодий вазият ўзгаришига боғлиқлигига етарли даражада эътибор қаратилмаган. Мамлакатимизда электрон тижорат самарадорлигини ошириш, электрон тижоратда инновацион молиявий хизматларни ривожлантириш муаммоларнинг етарли даражада ва комплекс тадқиқ қилинмаганлиги мазкур диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифаларини белгилаб олишга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ҳамда ФЗ-20200041539-сонли «Ўзбекистонда суғурта фаолиятини рақамлаштириш ва инновацион суғурта маҳсулотларини жорий қилиш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

eBusiness in Architecture Engineering and Construction: ECPPM 2018.CRC Press, 2018. — 493 p.; Schneider G. Electronic Commerce 11th edition. — Cengage Learning, 2015. — 627 p; Traver C., Laudon K.C. E-Commerce 2016: Business, Technology, Society Pearson, 2016. — 912 p.

⁵ Антипина П.В. Электронная коммерция. Учебное пособие. – Иркутск: БГУ, 2020. - 86 с.; Бесчастная Е.В. Интерактивный маркетинг и электронная коммерция. – Минск: БГУИР, 2007. – 303 с; Верес А., Трубецков П. Как открыть интернет-магазин. И не закрыться через месяц. – М.: Эксмо, 2020. — 256 с; Давыдов В.М., Рудецкая А.В. Электронная коммерция. – Хабаровск: Изд-во Тихоокеан. гос.ун-та, 2015. – 149 с.; Медведева А.В. Электронная коммерция в предпринимательской деятельности: автореферат на соискание к.э.н. – М.: 2014. - 22 с.; Поеров А.С. Совершенствование системы электронной коммерции в России: автореферат на соискание к.э.н. – М., 2011.; Марцулевич Д.В. Формирование потребительской ценности интернет-магазина на основе повышения удобства использования интерактивного канала коммуникации: автореферат на соискание к.э.н. – М., 2018; Шайдаков И.Е. Повышение эффективности деятельности предприятий сферы услуг на основе внедрения информационно-компьютерных технологий: автореферат на соискание к.э.н. – М., 2016 с.;

⁶Ахраров Б.С. Иқтисодийда ахборот технологиялари. – Т.: Фан ва технология, 2018.- 316 б; Бекмурадов А.Ш., Мусалиев А.А. Информационный бизнес: Учебное пособие. – Т.: Алоқачи, 2007.-320 с. Кенжабаев А.Т. ва бошқалар. Электрон бизнес асослари: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. - 276 б.; Фуломов С.С. ва бошқалар. Иқтисодий информатика. – Т.: Ўзбекистон, 1999.-528 б; Касимова Н.С., Мухторова У.К.. Малый бизнес и частное предпринимательство. Учебное пособие. – Т.: ТФИ, 2019. -180 с.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

электрон тижоратнинг иқтисодий мазмун-моҳияти ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;

электрон тижоратда молиявий хизматлар замонавий жаҳон бозорининг таркиби, замонавий тўлов хизматларини тижоратлаштириш ва баҳолаш амалиётини таҳлил қилиш;

электрон тижоратда молиявий хизматларни ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

миллий иқтисодиётда электрон тижорат ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон тижорат банкларида тўлов операцияларини самарали ташкил этиш механизмини оптималлаштириш йўналишларини белгилаш;

электрон тижоратда тўлов сервислари самарадорлигини оширишда молиявий хизматларни такомиллаштириш услубиётини таҳлил қилиш;

электрон тижоратда бизнес-жараёнларни бошқариш ва молиявий хизматлар самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатувчи устувор йўналишларни аниқлаш ва белгилаш;

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратда суғурта хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистондаги электрон тижорат билан боғлиқ молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети электрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини оширишда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таққослаш, таҳлил ва синтез усуллари, тарихий-мантиқий ёндашув, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда электрон тижоратни таҳлил қилишнинг график усули қўлланилган. Назарий билим ва хулосаларни шакллантириш учун абстракт-мантиқий ва кузатиш усуллари, шунингдек, замонавий дастурий таъминот маҳсулотларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида тўлов хизматини тижоратлаштириш жараёнида нисбий устунлик, фойдаланишдаги ишонччилик, хавф-хатарлар, назорат омилларини таъсири орқали соф фойдани 1,8 баробар ошириш асосланган;

мерчант аккаунт яратиш ва эквайринг тизимини жорий қилиш орқали тижорат банкларида меҳнат сарфини 10,5 фоизга камайтириш ҳамда тўлов сиёсатини оптималлаштириш асосланган;

суғурта компанияларнинг электрон тижоратнинг бизнес жараёнларини бошқаришда аутсорсингдан фойдаланиш орқали трансакция харажатларини 13,2 фоизга камайтириш асосланган;

суғурта компанияларида электрон тижоратни қўллаш асосида миждозларни идентификациялаш жараёнини тартиб-тамойилларини

соддалаштириш орқали молиявий йўқотишларни олдини олиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари томонидан жорий этилган тўлов тизимини тижоратлаштириш механизми ишлаб чиқилган ва тўлов хизматларини истеъмолчилар томонидан баҳолаш, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, тўлов хизматларини тижоратлаштириш жараёнида муқобил вариантлардан фойдаланиш моҳияти ёритиб берилган;

тижорат банклари амалиётида эквайринг тизимини жорий этиш орқали мерчант аккаунтларини очиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш афзалликлари ёритилган, уларни амалиётга жорий этиш орқали электрон тижорат субъектларининг молиявий хизматлар кўрсатишда харажатлари қисқариши, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга эришиш асосланган;

электрон тижоратда аутсорсингнинг истеъмол қийматини шакллантириш манбалари аниқланган ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ошиши асосланган;

электрон тижоратни жорий этишда мавжуд суғурта шартномалари бўйича андеррайтинг жараёни амалга оширилган ва молиявий йўқотишларнинг олдини олиш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларнинг расмий манбалар, шу жумладан Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинганлиги, мамлакатда электрон тижорат фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, суғурта ташкилотлари ва тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари ва расмий эълон қилинган маълумотлари, хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишланмалари ҳамда эксперт баҳолари, интернет тармоғида тақдим этилган расмий маълумотлардан фойдаланилганлиги, тадқиқотда қўлланилган усул ва ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг тегишли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар, назарий ёндашувлар электрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан электрон тижорат субъектлари томонидан кўрсатилаётган электрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини янада ривожлантириш ҳамда ушбу фаолиятни оммавийлаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларида тўлов хизматини тижоратлаштириш жараёнида нисбий устунлик, фойдаланишдаги ишонччилик, хавф-хатарлар, назорат омилларини таъсири орқали соф фойдани 1,8 баробарга ошириш бўйича таклиф «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан жорий қилинаётган тўлов тизимини тижоратлаштириш механизминини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01-33/2731-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиш натижасида банк фаолиятида янги тўлов сервисини жорий қилишда асосий омиллар аниқланган ва уларни оптималлаштиришга эришилган, ушбу жараёнда мижозларни фикри инобатга олиниб ва янги инновацион-диффузия модели амалиётда илк мартаба қўлланилган. Натижада, 2020 йилнинг 9 ойи давомида банк даромадлари 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 млрд. сўмга ошган ва соф фойда 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 82 фоизга ўсиб, 5,5 млрд. сўмни ташкил этган;

мерчант akkaунт яратиш ва эквайринг тизимини жорий қилиш орқали тижорат банкларида меҳнат сарфини 10,5 фоизга камайтириш ҳамда тўлов сиёсатини оптималлаштириш бўйича таклифи «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан тўлов сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01-33/2731-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида банк амалиётида эквайринг тизимини жорий қилиш орқали мерчант akkaунтларини очиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган, тўлов операцияларни амалга ошириш жараёнларини соддалаштиришга ва меҳнат сарфини 10,5 фоизга пасайтирган ҳолда банк ҳаражатларини 12 фоизга қисқаришига эришилган;

суғурта компанияларнинг электрон тижоратнинг бизнес жараёнларини бошқаришда аутсорсингдан фойдаланиш орқали трансакция харажатларини 13,2 фоизга камайтириш бўйича таклифи «Алском» суғурта ташкилоти акционерлик жамияти томонидан суғурта хизматини кўрсатиш жараёнида фойдаланилган («Алском» суғурта ташкилоти акционерлик жамиятининг 2021 йил 16 июндаги 09-916-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиш натижасида суғурта ташкилоти фаолиятида бизнес жараёнларни амалга оширишда IT - аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш натижасида иқтисодий самарадорликка эришилган. Натижада, 2020 йил давомида 2019 йилга нисбатан трансакция харажатлари 13,2 фоизга камайтирилган;

суғурта компанияларида электрон тижоратни қўллаш асосида мижозларни индентификациялаш жараёнини тартиб-тамойилларини соддалаштириш орқали молиявий йўқотишларни олдини олиш бўйича таклифи «Капитал суғурта» суғурта ташкилоти акционерлик жамияти

томонидан таҳлил жараёнида фойдаланилган («Капитал суғурта» суғурта ташкилоти акционерлик жамияти нинг 2021 йил 15 июндаги 01/1253-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида электрон тижоратни амалга оширишда мавжуд молиявий йўқотишлар бўйича андеррайтинг жараёни сифатли ва оперативлиги оширилган ва суғурта қилиш механизми оптималлаштирилган, шунингдек 2019 йилнинг якуни бўйича суғурта ташкилотининг ҳаражатлари 1,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 15,5 фоизга камайиши кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 4 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, объекти ва предметига тавсиф берилган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, мамлакатда устувор бўлган фан ва технологиялар ривожланишининг йўналишларига тўғри келиши асосланган, илмий янгиликлар ва амалий натижалар баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Электрон тижоратда молиявий хизматларни ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланган бўлиб, унда электрон тижоратда молиявий хизматларнинг иқтисодий моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти борасидаги илмий-назарий ёндашувлар танқидий ва қиёсий таҳлил қилинган ҳамда электрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини оширишнинг назарий асослари ўрганилган ва электрон тижоратнинг ҳуқуқий асослари ва давлат назоратининг зарурлиги ва аҳамияти тадқиқ қилинган.

XXI асрнинг бошланиши янги ахборот технологиялари вужудга келиши, Интернет тармоғининг фаол ривожланиши ва унинг фойдаланувчилари сони ортиши билан тавсифланади, бу эса жаҳон ва миллий иқтисодиёт даражасида янги тадқиқот соҳалари пайдо бўлишига олиб келди. Шаклланаётган ягона ахборот макони шароитида жаҳон миқёсида кўплаб фирмалар, корхоналар ва

давлат идоралар бирлаштирилиб, бизнесни ривожлантириш учун мутлақо янги шарт-шароитлар яратилмоқда.

1-жадвал

Электрон тижорат тушунчасининг турли хил манбалардаги тавсифи⁷

Муаллиф	Тушунча тавсифи
Sun Liyun, Yanchun Rong,	«Электрон тижорат замонавий коммуникация технологиялари, компьютер технологиялари ва тармоқ технологияларидан фойдаланиш, савдо алоқаларини тўлиқ йўлга қўйиш, тижорат музокаралари ва электрон шартномадан чартергача, бронлаштириш, божхона декларацияси ва текширувгача электрон маълумотларни узатиш жараёнидир» ⁸ .
Wang Jianguo	«Электрон тижорат – ички ахборот алмашинувини таъминлаш учун корхона ичидаги турли филиаллар ва бошқарув бўлимлари ўртасидаги боғлиқлик. Географик бўлинишга асосланмаган бўлиб, балки бутун дунё бўйлаб компаниялар Интернет орқали ресурслар алмашинувини ўз ичига олади» ⁹ .
Л.Новомлинский	«Электрон тижорат ташкилотлар бир-бирига боғланган компьютерлар тармоғи орқали амалга оширувчи ҳар бир жараён ҳисобланади» ¹⁰ .
Д.Д.Гаева	«Электрон тижорат деганда товарларни танлаш ва буюртма қилиш компьютер тармоқлари орқали амалга оширилувчи маҳсулотларни етказиб бериш шакли тушунилади ҳамда етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар – электрон ҳужжатлар ва / ёки тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади» ¹¹

Юқорида айтилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, электрон тижорат категория сифатида сўнгги 20-30 йил давомида иқтисодчилар томонидан ўрганилмоқда, аммо иқтисодий адабиётларда ҳали ҳам аниқ таърифга эга эмас. Иқтисодчилар томонидан берилган таърифлар кескин, бир ёқлама ва тизимлаштирилмаган. Электрон тижорат тушунчасига изоҳ берувчи манбаларни таҳлил қилиш кўрсатдики, бугунги кунда электрон савдо ва электрон тижорат тушунчаларининг энг кенг қамровли ва универсал таърифи мавжуд эмас.

Ўзбекистонда ахборот технологиялари тузилмаси ривожланишининг назарий асослари ва амалиётини маҳаллий олимлар Х.Н.Зайнидинов, Ф.М.Алимова¹² ўз асарларида тадқиқ қилганлар. М.М.Йўлдошев ўз илмий изланишларида электрон тижорат категориялари ва у билан боғлиқ тушунчаларни таҳлил қилган. Б.С.Ахраров, Б.А.Бегалов, А.Ш.Бекмуродов, С.С.Фуломов, Н.С.Қосимова, А.Т.Кенжабаев¹³ технологиялар ва бизнесни

⁷ Манбалардан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸ Sun Liyun, Yanchun Rong, International e-commerce and conventional international trade. Practices of international trade, 2011

⁹ Wang Jianguo, E-commerce development in the field of foreign trade. China Information Review, 2013

¹⁰ http://www.int.kiev.ua/citforum/im99/im99a/3_2_novomlinsky.shtml

¹¹ Интернет-технология как маркетинговый инструмент зарубежных компаний. – М.: МАКСПресс, 2003. – 112 с.

¹² Зайнидинов Х.Н., Алимова Ф.М. Основы электронного бизнеса и мобильного электронного бизнеса. – Т.: ТИТУ, 2019.

¹³ Ахраров Б.С. Иқтисодийта ахборот технологиялари. – Т.: Фан ва технология, 2018.- 316 б.; Бегалов Б.А. Технология процессов формирования информационно-коммуникационного рынка. Монография. – Т.: Фан, 2000. -126 с.; Бекмуродов А.Ш., Мусалиев А.А. Информационный бизнес: Учебное пособие. – Т.: Алоқачи,


юритиш ўртасидаги боғлиқлик нуктаи назаридан кўриб чиқилди. Электрон тижорат категория сифатида турғун эмас, яъни динамик кўринишга эга. У ривожланган сари унга кўшимчалар киритилади, бу жараёни технологиянинг ривожланиши сингари чеклаб бўлмайди.

2- жадвал

Электрон тижоратнинг тадрижий ривожланиши¹⁴

Йиллар	Тадрижий ривожланиши
1948-1975	Ахборот ва ҳужжатлар алмашиш учун дастлабки уринишлар 1948-1949 йилларда Берлинда ҳаво транспорти ва телефакс буюртмаларидан фойдаланган ҳолда пайдо бўлган. Фақат 1975 йилда компьютерлар орқали маълумот алмашиш стандартлари ишлаб чиқилди
1975-1995	Интернет тармоқлари пайдо бўлиши ва оммаланиши масофадан маълумот алмашиш ва тижорат операцияларини амалга ошириш усуллари тарқалишига таъсир кўрсатди
1995-2020	Электрон тижоратдан кенг миқёсда фойдаланиш амалга оширилди. Савдо майдончалари пайдо бўлиши, масофавий сотувлар кенгайиши ва анъанавий савдо он-лайн савдо бозори инструменти билан сиқиб чиқарилди.

Турли манбаларда таҳлил қилинган маълумотларга асосланиб, электрон тижоратнинг тадрижий ривожланишининг 2-жадвал шаклида кузатиш мумкин.



**1-расм. 2019 йилда глобал электрон тижорат бозори улуши бўйича
Топ-10 мамлакат, %¹⁵**


2007.-320 с.; Фуломов С.С. ва бошқалар. Электрон тижорат асослари: Ўқув қўлланма. – Т., 2020. -528 б.; Кенжабаев А.Т. ва бошқалар. Электрон бизнес асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. - 276 б.

¹⁴Anderson R. E-Commerce Business: 3 Books in 1: The Ultimate Guide to Make Money Online From Home and Reach Financial Freedom – Passive Income Ideas, Amazon FBA, 2020. – 277 p. маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵E-commerce Report Global-2019/eMarketer. URL: <https://www.ecommercefoundation.org//free-reports> (accessed: 05.01.2021).

Бугунги кунда мамлакатлар электрон тижоратни ривожлантириш бўйича дунёда етакчилик учун рақобатлашмоқда. 1-расмда мамлакатлар кесимида электрон тижорат ҳажми кўрсатилган. Хитой етакчи ўринни эгаллаб турибди, ундан кейин АҚШ, биринчи ўнлик Россия билан якунланмоқда. Келажакда илм-фан ва технологиянинг ривожланиши, янги электрон воситаларнинг оммаланиши, умуман, электрон тижорат тўғрисидаги тасаввурнинг бутунлай янгиловчи ўзгаришларни амалга ошириши мумкин.

Диссертациянинг «Электрон тижоратда молиявий хизматлар ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида электрон тижоратда молиявий хизматларнинг амалга оширилиши таҳлил қилинган. Ҳар йили статистик маълумотлар электрон тижорат ривожланишининг юқори динамикасини кўрсатади. Бироқ турли хил аналитик компаниялар маълумотлари ўзаро кескин фарқ қилади. Энг ишончли ахборот манбаларидан электрон тижоратнинг умумий кўрсаткичларини умумлаштириб таҳлил қилиш мумкин.



2-расм. Жаҳонда Интернет фойдаланувчилари сони (млрд. киши)¹⁶

Электрон тижорат фойдаланувчилари сони ва ҳажми ўсиш динамикасига эга. Global Digital Statshot¹⁷ ҳисоботига кўра, 2018 йил апрелдан 2019 йил апрелгача даврда жаҳонда Интернет-фойдаланувчилари сони 8,6 фоизга ошди ёки 350 миллион кишига кўпайди ва 4,437 миллиард киши ёки жаҳон аҳолисининг 58 фоизини ташкил этди. Интернет фойдаланувчилари сони ошиши Ҳиндистон ва Хитой сингари мамлакатлар томонидан энг кўп таъминланди (мос равишда 44 ва 29 миллион киши).


¹⁶Муллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁷Digital 2019: Q2 GlobalDigitalStatshot. [Электронныйресурс].– Режимдоступа: <https://wearesocial.com/blog/2019/04/the-state-of-digital-in-april-2019-all-the-numbers-you-need-to-know>.

Электрон тижоратдаги молиявий хизматларнинг SWOT-таҳлили¹⁸

Кучли томонлар	Заиф томонлар
нисбатан юқори ўсиш суръатлари; молиявий хизматлардан фойдаланиш маданияти даражаси ортиши; миждозга йўналтирилган ривожланиш моделига босқичма-босқич ўтилиши; бозорда молиявий хизматлар бўйича халқаро гуруҳлар мавжудлиги; иқтисодиётнинг очиклиги.	аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси пастлиги; молиявий хизматларнинг классик бўлмаган турларига талаб пастлиги; нархларнинг тез ўзгариши; ставкалар техник жиҳатдан мумкин бўлган даражадан пастлиги; юқори агентлик тўловлари; янги йирик технологик янгиликларни жорий этишда хусусий сектор давлат ёрдами кутиши;
Имкониятлар	Таҳдидлар
бозорни ривожлантириш салоҳияти; иқтисодиётнинг ўсиш истиқболлари; молиявий хизматлар ҳажми ошишидаги имкониятлар; бозор сиғими; тарифлар сони ошиши; бошқа бозорларга чиқиш имконияти ва нарх ёрдамидаги рақобат.	пандемия сабабли иқтисодий вазият ёмонлашуви; капитал қиймати ортиши; капиталга талаблар кучайиши.

3-жадвалдаги SWOT-таҳлилга кўра, электрон тижорат ривожланиши билан ривожланиш имкониятлари, таҳдидлар, кучли ва заиф томонлар мавжуд. Молиявий хизматларнинг асосий хусусияти воситачилиқдир, шунинг учун бу хизмат тури бошқа хизматлардан фарқ қилади. Молиявий хизматларнинг юқоридаги хусусияти Жаҳон савдо ташкилоти ҳужжатларида акс этган¹⁹.



3-расм. Электрон тижоратда молиявий хизматлар таркибидаги ўзгаришлар²⁰

¹⁸Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁹ Современные ИТ-решения для финансовой индустрии. – М.: Издательская группа «БДЦ пресс», 2004.

²⁰Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ташкилотларнинг асосий муаммоларидан бири мижозларга хизмат кўрсатиш учун мос ва қулай, улар талабини қондира оладиган ҳамда технологиялар ва Интернет самарадорликка таъсир кўрсатувчи он-лайн операцион тизимни шакллантириш бўлди. Ўзбекистон электрон тижорат ассоциацияси маълумотларига кўра, уй хўжалиklarининг 49 фоизида компьютер, шу жумладан 12,7 фоиз кенг полосали Интернет фойдаланувчилари мавжуд. Мамлакатда 23,2 миллион киши мобил алоқа фойдаланувчилари ҳисобланиб, аҳолининг 55 фоизи Интернетдан фойдаланади. Уюшманинг 2018 йилдаги маълумотларига кўра, 4 миллиондан ортиқ аҳоли ойига 100 МВ дан ортиқ мобил Интернетдан фойдаланади. 2018-2020 йилларда фаол он-лайн харидорлар сони 82 мингдан 157 минг кишига ошди. Агар 2015 йилда бундай тизимлар фойдаланувчилари сони тахминан 472,5 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йил охирига келиб, бу рақам қарийб 20 бараварга ошиб, 10 млн. 360 минг кишига етди²¹. Мамлакатимизда энг кенг тарқалган тўлов тизимлари National, Hamkor mobile, Agrobank mobile, Asaka mobile, ишлаб чиқилган Click, Payme, M-bank ва бир қатор тижорат банкларининг мобил иловалари ҳисобланади.

4-жадвал

Ўзбекистонда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони²²

Сана	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
01.01.2018	227 879	4 225 361	4 453 240
01.06.2018	291 947	6 245 995	6 537 942
01.12.2018	356 009	7 324 734	7 680 743
01.01.2019	359 770	7 599 337	7 959 107
01.06.2019	528 212	9 153 882	9 682 094
01.10.2019	616 135	9 744 545	10 360 680
01.10.2020	699 901	9 684 076	10 383 977

Мобил иловалар орқали тўловларни амалга ошириш масофавий тўлов тизимлари сифатида тобора оммалашиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 1 млн. 982 мингдан ортиқ банк карталари эгалари мобил иловалар орқали тўловларни амалга оширмоқдалар²³.



4-расм. Электрон тижорат бозори сифими ва салоҳияти²⁴

²¹ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

²² www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

²³ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

²⁴ Ўзбекистон электрон тижорат уюшмасининг маълумотларига кўра муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон электрон тижорат уюшмаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда электрон тижорат бозорининг потенциал сиғими 164,2 млн. долларни ташкил этади, бу маълумот инвойс қийматининг 10 %га етказиш харажатларига тенглигига асосланади. Бироқ харидорларнинг фақат 20 %и ўз харидларини нақдсиз тўлов орқали амалга оширган, қолган 80% етказиб бериш вақтида нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилган²⁵. Шундай қилиб, бозорнинг ҳақиқий сиғими 35 млн. доллар бўлиши лозим. Бироқ 2020 йилда Ўзбекистон электрон тижорат уюшмаси маълумотларига кўра, фойдаланилаётган сиғим 6,23 млн. АҚШ долларини ташкил этган (яширин айланмани ҳисобга олмаган ҳолда). 2019 йилда мазкур кўрсаткич 3,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

5-жадвал

2018-2019 йилларда электрон тижорат бозорининг ҳақиқий сиғими ошиши²⁶

Кўрсаткич	II чор.2018	III чор.2018	IV чор .2018	I чор. 2019
Битимлар сони (млн.)	71.4	69.8	72.1	73.8
Он-лайн битимлар сони (млрд.сум)	872.4	1 610.7	2017.0	2516.3
Рўйхатдан ўтган карталар сони	813 831	817 179	1 038 336	1 052 816

Сўнгги йилларда электрон тижоратда молиявий хизматларнинг ривожланиши молиявий-иқтисодий соҳалар ривожланишига улкан ҳисса қўшди, чунки у бозор иштирокчиларига кўплаб янги молиявий маҳсулотлар, хизматлар ёки жараёнларга бозорга кириш имкониятини берди. Улардан фойдаланиш бўйича социологик тадқиқотлар таҳлили демографик тузилиш ва аҳолининг тўлов хизматлари билан институционал таъминоти ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Тўлов хизматидан фойдаланишга алоқа билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги ва долзарблиги, аҳолининг маълумот ва саводхонлик даражаси, пенсия ёшдаги аҳоли сони, шунингдек, қишлоқ жойларда яшовчилар сони таъсир кўрсатмоқда.

Т.Хегерстранд томонидан тўлов хизматларининг кириб бориш моделини имитация қилиш ва яратиш зарурлигини тахмин қилишга асосланган гипотезада шундай дейилган: истеъмолчилар томонидан тўлов хизматларини қабул қилиш омилларини ҳисобга олган ҳолда, бозорда инновацион тўлов хизматларини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш ундан фойдаланиш интенсивлигига таъсир қилади.

Методика қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) истеъмолчиларнинг тўлов хизматларини қабул қилишини кўп босқичли жараён сифатида ўрганиш. Ф.Девис томонидан ишлаб чиқилган технологияни қабул қилиш модели асосида таҳлил жараёнида танишиш, қизиқиш, синов ва бошқа босқичлардан фойдаланиш;

²⁵ pochta.uz ва fargo.uz маълумотлари асосида тайёрланган.

²⁶ Ўзбекистон электрон тижорат уюшмаси маълумотларига кўра муаллиф томонидан тузилган.

2) илмий адабиётлар ва шарҳларни таҳлил қилиш орқали жисмоний шахслар, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан маҳсулотни қабул қилинишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

3) тўлов хизматларини қабул қилишнинг математик моделини, аниқланган омилларни ҳисобга олган ҳолда Т.Хегерстранднинг классик модели ва унинг кластерини қўллаш орқали яратиш;

4) Т.Хегерстранд томонидан тўлов хизматларини оммалаштириш учун имитация моделини ишлаб чиқиш, унда ишлаб чиқилган тавсиялар таъсирини синаб кўриш, тўлов хизматида янгиликларни оммалаштириш жараёнини ўрганиш.

Т.Хегерстранд инновацияларнинг кириб бориши диффузиясини ўрганиб, янги маҳсулотни сотиб олиш эҳтимоли (аксарият моделларда бўлганидек) доимий харидорлар сонидан келиб чиқувчи чизикли функция эканлигини таъкидлади. Мижозлар инновациялардан қанчалик кўп фойдалансалар, шунчалик янги тўлов хизматларидан фойдаланмаслик эҳтимоли камайиб боради ва охир-оқибат уларнинг истеъмолчиларга айланиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Тўлов хизматини қабул қилиш ва танланган омиллар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш қуйидаги формула бўйича чизикли регрессия модели ёрдамида амалга оширилди.

$$Y_i = \beta_0 + \beta_1 \times X_{1i} + \beta_2 \times X_{2i} + \dots + \beta_n \times X_{ni} + \epsilon_i^{27} \quad (1)$$

Аниқланган маълумотлар натижасида муаллифлик модели ишлаб чиқилди:

$$P_i = T + O + U + E + S + C^{28} \quad (2)$$

Бунда: P_i – истеъмолчилар томонидан электрон тўлов хизматини қабул қилиш кўрсаткичи (икки ўзгарувчанлик, буерда 1 истеъмолчининг электрон тўлов хизматини қабул қилиши; 0 қабул қилинмайди);

T – хизматларни тестдан ўтказиш имкониятлари;

O – хизматлардан фойдаланиш жараёнидаги афзалликлар;

U – тўлов хизматидан фойдаланишдаги қийинчиликлар;

E – электрон тўлов хизматларидан фойдаланишдаги қониқиш;

S – электрон тўлов хизматларидан фойдаланишда истеъмолчиларнинг ишончилиги;

C – тўлов жараёнини бошқариш имконияти мавжудлиги.

Ишлаб чиқилган формула потенциал истеъмолчилар сонининг узлуксиз ошишини таъминлайди ва янги тўлов тизимини жорий этишга ёрдам беради. Схема кўринишида бу техникани қуйидаги расмда акс эттириш мумкин.

²⁷ Регрессия модели асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

²⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



5-расм. Тўлов хизматларини яратиш ва тижоратлаштириш жараёнини бошқариш методологияси²⁹

Диссертациянинг «Электрон тижоратда молиявий хизматларни такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари» деб номланган учинчи бобида электрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилган. Интернет тармоғи ёрдамида ишловчи технологиялар пайдо бўлиши тўлов воситалар, яъни истеъмолчи учун муайян даврда мавжуд тўлов воситаларининг мажмуи таркибида сезиларли ўзгаришларга олиб келди.

Бугунги кунда мерчант-аккаунтлардан фойдаланиш ва сотувчининг веб-сайти орқали тўловни амалга ошириш бундай мерчант-аккаунтга эга компанияларнинг ҳисоблаш усули ва рақобатбардош устунлигига айланди.

Эквайринг банк хизмати бўлиб, у савдо ташкилотларига мижозлардан банк карталари орқали тўловларни қабул қилиш имконини беради. Бундай тўлов усули жаҳонда тобора кенг тарқалмоқда ва мижозлар уни бошқа тизимларга нисбатан устун кўймоқдалар. Масалан, эквайринг хизматларидан фойдаланувчи корхона инкассация билан боғлиқ харажатларни камайтиради, бунда сохта пулларни қабул қилиш ёки нақд пулдаги тушумни ўғрилаш хавфлари камаяди. Шу муносабат билан банк карталари эгалари сони, нақд пулга нисбатан пластик карталардан фойдаланишга мойил мижозлар сони кўпаймоқда.

Эквайрингдан тўлов усули сифатида фойдаланиш жараёнида махсус жиҳозлар, веб-сайт ва унинг техник кўмаги керак. Банк тизими учун мерчант аккаунтни очиш сингари хизмат потенциал мижозлар учун рақобатдош устунлик ва жозибадорлик билан белгиланиши мумкин. 6-расмда муаллифнинг янги харидорларни жалб этиш ва мерчант аккаунтини очиш бўйича ҳаракатлар алгоритми кўрсатилган.

Мерчант аккаунтни очиш нима беради? Бир томондан, бу турдаги хизмат эгалари учун рақобатбардош устунликлар мавжуд бўлса, бошқа

²⁹Муаллиф томонидан тузилган.

томондан, бу банк тизими учун янги даромад манбаи, яширин иқтисодиёт улушини камайтириш воситаси ҳисобланади.



6-расм. Янги миждозларни жалб этиш ва мерчант-аккаунт яратиш мониторинги алгоритми³⁰

6-расмда мерчант akkauntни яратиш алгоритмининг муаллифлик модели кўрсатилган. Ҳар бир янги миждоз банк тизими учун фойда манбаи ҳисобланади, шунинг учун ҳар бир миждознинг истак ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Эквайнер тизимининг асосий ядроси процессинг марказидир (ПМ), у автоматлаштирилган ахборотни қайта ишлаш тизими бўлиб, у транзакция иштирокчилари ўртасида алоқа ва мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажаради.

